

ЎЗБЕК ТИЛИ

6-синф

1-вариант

1. Сон қатнашган гапни аниқланг.

- А) Идорада одам жуда кўп.
В) Икки киши сувнинг бошига кетди.
Д) Зумрад баҳор кириб келди ўлкамизга.
- Б) Карим – жуда чакқон бола.
Г) Ерқуёш атрофида айланади.

2. Миқдор сонлар кўрсатилган қаторни белгиланг.

- А) Учдан бир, эллик бешдан ўн икки.
В) Бешта, йигирматача, бешинчи.
Д) Юздан, иккала, тўртов.
- Б) Ярим, чорак, нимчорак.
Г) Беш соат, бир кун, тўққиз ой.

3. Сонлар отлашиб келган гапни аниқланг.

- А) Бирни кессанг, ўнни эк!
В) Иккала бола ўйга толиб қолди.
Д) Эрта билан эшик олдида беш-олти киши турган эди.
- Б) Ўн етти яшар бола эди.
Г) Йиғилишга ҳамма келди.

4. Олмош қатнашган гапни аниқланг.

- А) Ўш қадимий шаҳарлардан биридир.
В) Сиз ўзингиз ким бўласиз, қаерга бормоқчисиз?
Г) Инсон одоби билан гўзал.
- Б) Нуруний онахонлар келди.
Д) Ойгул уч кундан бери кўчага чиқмади.

5. Ҳисоб нумератив сўзлар берилган жавобни кўрсатинг.

- А) Дона, нусха, туп, бош, нафар.
В) Беш туп, етти, саккиздан.
Д) Тўрт одам, бош ҳарф, тўққизтача.
- Б) Олтидан, дона, бир, учовлон.
Г) Ўн беш, туп, иккидан, уч киши.

6. Вақт ўлчовини билдирадиган ҳисоб сўзларини кўрсатинг.

- А) Бир, икки киши, учта бола.
В) Дона, уч нафар, беш-олти.
Д) Ўн олти, еттовлон, ягона нусха.
- Б) Соат, кун, ҳафта, ой.
В) Бешовлон, саккиздан тўрт туп.

7. Нарса-буюмнинг санокдаги тартибини билдириб, нечанчи? сўроғига жавоб берган сонлар ...

- А) Миқдор сон ҳисобланади.
В) Тартиб сон дейилади.
Д) Жамловчи сон деб юритилади.
- Б) Чама сон деб аталади.
Г) Дона сон саналади.

8. Тақсим сон берилган жавобни аниқланг.

- А) Бир, икки, уч, тўрт.
В) Саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи.
Д) Биттадан, тўртадан, олтидан.
- Б) Бешта, олти, етти.
Г) Еттовлон, бештаси, ўн бири.

9. Ўқувчиларнинг ҳар биттасига олти-еттидан дарслик китоби берилди.**Гапдаги соннинг турини аниқланг.**

- А) Миқдор сон.
В) Тартиб сон.
Д) Тақсим сон.
- Б) Чама сон.
Г) Дона сон.

10. Чама сон ҳосил қилувчи қўшимчалар берилган жавобни кўрсатинг.

- А) –лаб, –ларча, –тача.
В) –часига, –лаб, –та.
Д) –тадан, –та, –дон.
- Б) –та, –да, –дан.
Г) –ов, –овлон, –ни.